

Намозни тарк қилишга узр йўқ!



13:00 / 06.12.2020 2364

تَلَّاسَفُ رِيَسَاوَبِ يَبْتَنَاكُ؛ لَأَقُوهُ نَعُ لَلِ يَضَرُّ نِي صُحْبَ نَبِّ نَارْمَعُنْ
مَلْنِ إِفْ أَمَائِقِ لَصْ؛ لَأَقُفْ، ءَالِ صِلَا نَعْمَلَسَوِ هُوَ يَلْعُ لَلِ لِي لَصِّ يَبْنَلِ
أَلِ ءَسْمَخْلَا هَاوَرِ بِنَجِّ يَلْعُفْ طَتْسَتْ مَلْنِ إِفْ أَدْعَا قَفْ عَطَسَتْ
أَمَلْسُمْ.

Имрон ибн Ҳусойн розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Менинг бавосилим бор эди. Бас, Набий соллаллоҳу алайҳи васалламдан намоз ҳақида сўрадим.

У зот:

«Тик туриб ўқи. Агар қодир бўлмасанг, ўтириб ўқи. Агар қодир бўлмасанг, ёнбошлаб ўқи», дедилар».

Бешовларидан фақат Муслим ривоят қилмаган.

Шарҳ: Бавосил – инсон мақъадида бўладиган касаллик.

Имрон ибн Ҳусойн розияллоҳу анҳу бавосил дардига чалинган одам намозни қандай қилиб ўқиши ҳақида сўраган бўлсалар ҳам, Набий

соллаллоҳу алайҳи васаллам умумий жавоб бердилар. Бунинг ичига оғир касалликлар ҳам кириб кетди. Саволда одам беморлиги туфайли тик тура олмаса, намоз ўқиши қандай бўлади, чунки намозда тик туриш фарз-ку, деган маъно бор.

Жавобдан эса намозда тик туриш бунга қодир бўлган киши учун фарздир, деган маъно чиқади.

Ушбу ҳадисдан олинадиган фойдалар:

1. Намозга таъсир қилиши мумкин бўлган нарсаларнинг ҳукмини биладиган кишидан сўраб олиш лозимлиги.
2. Муайян нарсанинг ҳукми сўралса, умумий жавоб бериш мумкинлиги.
3. Намозни тик туриб ўқишга қодир бўлмаган одам ўтириб ўқиши жоизлиги. Иложи бўлса, намозда ўтирганга ўхшаб, чўккалаб ўтирган яхши. Бўлмаса, қодир бўлганича ўтиради.
4. Намозни ўтириб ўқишга ҳам қодир бўлмаган одам ётиб ўқиши зарурлиги.
5. Намознинг энг аҳамиятли ибодат эканлиги ва уни тарқ қилишга узр йўқлиги.

«Ҳадис ва ҳаёт» китобидан